

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 243-ҳадис

243 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يُجْمَعُ بَيْنَ الْمَرْأَةِ وَعَمَّتَيْهَا، وَلَا بَيْنَ الْمَرْأَةِ وَخَالَتَيْهَا».

[خ 5109، م 1408، ت 1126، س 3288، د 2065، ج 1929].

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Аёл киши ўзининг аммаси билан (никоҳда) жамланмайди, аёл киши ўзининг холаси билан (никоҳда) жамланмайди»**, дедилар».

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

**Изоҳ:** Ушбу ҳадиси шарифга биноан, амма билан жияннинг ва хола билан жияннинг кундош бўлиши ҳаромдир. Масалан, бир киши хотинининг устига унинг аммаси ёки холасини ҳам никоҳига олса, биринчи никоҳи дуруст бўлади, аммо кейинги никоҳ ботил бўлади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
HUBUVVAT MARVARIDLARI

